



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «19» май

№ПК-5117

### Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили” Давлат дастурига мувофиқ, хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳамда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллари лавозимлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли орасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш ва уларни мукаммал ўзлаштириш учун зарур шароитлар яратиш, хорижий тилларни ўқитишининг халқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиқлаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш;

ҳудудлар, тармоқлар ва таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёжларини таҳлил қилиш натижалари асосида талаб юқори бўлган хорижий тилларни ўқитишни ташкиллаштириш;

хорижий тилларни ўқитиш соҳасида “боғча-мактаб-олий таълим ташкилоти-корхона” тамойилидаги узлуксиз таълим занжирини жорий этиш мақсадида аҳолининг барча қатламларига мос бўлган тилни ўрганиш бўйича услубиёт ва тавсияларни ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш;

хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, тилнинг асосий кўникумаларини шакллантириш учун видеоролик, ўйин, кўнгилочар кўрсатув, фильмлар ва бошқа ўргатувчи контент яратилишини ташкил этиш;

давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш услубиётларини яратиш ҳамда ушбу йўналишда мутахассисларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш;

ҳудудлар, тармоқлар, давлат органлари ва таълим ташкилотлари кесимида хорижий тилларни билиш рейтингини юритиш, хорижий тилларни ўрганишни янада оммалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг ташкилий тузилмаси, унинг марказий аппарати тузилмаси ҳамда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллиги намунавий тузилмаси 1-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.**

Белгилансинки:

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 73 нафар, шу жумладан марказий аппаратида **31** нафар ва Агентликнинг ҳудудий вакилликларида **42** нафарни ташкил этади;

Агентлик ва унинг вакиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг **34** та штат бирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимининг **39** та штат бирлиги ҳисобидан ташкил этилади;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Агентлик ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шароитлари бўйича Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати ходимларига тенглаштирилади.

3. Хорижий тилларга ўқитишнинг сифатини ошириш мақсадида:

а) **2021/2022 ўқув йилидан** бошлаб туманлар (шаҳарлар)да умумий ўрта таълим муассасалари негизида хорижий **тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 207 та мактаблар ташкил этилсин;**

б) 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини таъсис этилсин.**

Бунда, соврин учун мусобақалар умумтаълим мактаблари ўртасида қўйидаги **уч босқичда ташкил** этилган ҳолда:

**биринчи босқич** – туман ва шаҳарларда ўтказилиб, ғолиблар **100** млн сўмгача;

**иккинчи босқич** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ғолиблар **250** млн сўмгача;

**учинчи босқич** – республика миқёсида ўтказилиб, ғолиблар **500** млн сўмгача пул маблағлари билан мукофотлансин.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** қўйидагиларни назарда тутувчи қарорни тасдиқласин:

хорижий тилларни ўқитишига ихтисослаштирилган мактаблар ва уларга бириклирадиган олий таълим муассасалари рўйхати ҳамда ушбу мактабларни жиҳозлаш дастури;

**Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини** учун мактаблар орасида мусобақаларни ўтказиш тартиби.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиши фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига **50 млн сўмгача** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш амалиётини йўлга қўйсин.

##### **5. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:**

а) таълим муассасаларининг камидаги С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорида қўшимча үстами ҳақи** тўлаб борилсин.

Бунда, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг камидаги С1 даражадаги халқаро сертификатни олиш учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан педагог кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган маблағлар, давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари эса олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин;

б) умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасаларининг камидаги С1 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчилари аттестация жараёнида малака синови учун **максимал балл билан баҳоланиб, хорижий тил модули бўйича синовдан озод этилсин**. Бунда, мазкур сертификатни олиш муқобил малака ошириш шакли сифатида тан олинсин;

в) умумий ўрта, ўрта махсус ва професионал таълим муассасаларида хорижий тилда мутахассислик фанларидан дарс берадиган В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга ўқитувчилариға қонунчилек ҳужжатларида назарда тутилган устамалар татбиқ этилсин;

г) умумий ўрта, ўрта махсус ва професионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилариға Давлат бюджетидан замонавий адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиши учун **1 млн сўмдан маблағлар ажратилсин**. Бунда, тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг рўйхати ҳамда уларни сотиб олганлик тўғрисида ҳисобот шакли Халқ таълими вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) хорижий тиллар ўқитувчиларининг сертификатни олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш ва устама тўлаш, шунингдек, ушбу ўқитувчилар томонидан адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун **2021 йилда қўшимча 100 млрд сўмгача ажратилиши** ҳамда 2022 йилдан бошлаб тегишли маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб борсин.

#### **6. Хорижий тилларни ўқитиш соҳасига малакали кадрларни жалб қилиш ва соҳа мутахассисларининг салоҳиятини ошириш мақсадида:**

**2021/2022 ўқув йилида** хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалариға қабул параметрлари икки бараварга, давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари эса уч бараварга оширилсин;

**2022/2023 ўқув йилидан бошлаб**, хорижий тилларни ўқитишга ихтисослашган олий таълим муассасалари битирувчилари томонидан давлат аттестация имтиҳонларини топшириш билан бир қаторда ушбу таълим муассасалари ҳисобидан миллий ёки унга tenglashтирилган бошқа етакчи халқаро баҳолаш тизимлари орқали уларнинг билимлари даражасини аниqlаш амалиёти йўлга қўйилсин;

**2022/2023 ўқув йилидан бошлаб** олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликлариға ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликлариға танловларда миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий этилсин. Бунда, филология йўналишлари бўйича камида **C1** даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат, нофилологик йўналишлари бўйича эса В2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификат талаб этилиши назарда тутилсин.

**7. Давлат хизматчилари томонидан хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини ошириш ҳамда давлат органларини юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар билан тўлдириш мақсадида:**

**2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат органларида таълим ташкилотлари ўқитувчиларини шартнома асосида жалб қилиб, ҳафтада камида бир маротаба ходимларни хорижий тилга ўқитиш амалиёти йўлга қўйилсин;**

**2022 йил 1 январдан бошлаб хорижий тиллардан миллий ва халқаро сертификатга эга давлат бошқарув идораларининг барча бўғинлари ходимларига лавозим маошига нисбатан **20 фоизгача қўшимча устама** ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўлансин;**

**2022 йилдан бошлаб** давлат органларига ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга тайинлаш учун хорижий тилни билиш талаборгра қўйиладиган мажбурий малакавий кўникма сифатида белгилансин;

давлат органларининг раҳбарлари ўринbosарларидан бирига хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш, шу жумладан Агентлик билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.Хасанов), Агентлик, Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) ва Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат органларида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

**8. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Агентлик ва Халқ таълими вазирлиги (Ш.Шерматов) **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.**

**9. Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ишларни самарали ташкиллаштириш мақсадида:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари – **2021 йил 1 июлга қадар** Агентлик билан биргаликда жорий йил иккинчи ярми учун мўлжалланган ҳудудларда хорижий тилларни ўргатишни оммалаштириш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқсин, кейинчалик эса ҳар йили **15 январга қадар** бундай “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари – ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича тегишли ҳудудда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботини эшитиб борсин;

Вазирлар Маҳкамаси (Б.Мусаев) – ҳар ярим йилда ушбу қарорда назарда тутилган вазифалар бажарилишини Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов – ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

**Хорижий тилларни ўрганишни  
оммалаштириш агентлиги**

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш  
агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий  
вакилликлари

Таълим ташкилотларининг хорижий  
тиллар педагогларининг малакасини ошириш  
бўйича мобил групчлар

Халқ таълими ҳудудий тузилмаларининг  
хорижий тиллар бўйича методистлари

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш бўйича  
ҳудудий марказлар

Хорижий тилларни ўқитиш бўйича  
таянч олий таълим муассасалари

*Изоҳ. Таянч олий таълим муассасалари ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича  
ҳудудий марказларнинг хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича фаолияти Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.*

**Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги марказий аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимлари сони – **31** нафар.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони  
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарорига  
3-илова

**Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлигининг  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги  
ҳудудий вакиллиги**

**НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш  
агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакили

